



ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Сулайманбеков Ойбек Дусбекович

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети Тошкент филиали
oybek.sulaymanbekov@mail.ru*

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида ёш авлодни, жумладан ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Абу Райхон Беруний илмий-ижодий меросининг замонавий таълим-тарбия тизими ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ва маърифий соҳаларда давлат сиёсати даражасига қўтарилганлиги баён қилинади.

Калит сўзлар: Ёш авлод, ўқувчи, мактаб, ўқувчи ёшлар, илм, таълим, тарбия, онг, тафаккур, ватанпарвар, ватанпарварлик, маънавият, маърифат, мерос, ижод.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль и значение научного и творческого наследия Абу Райхона Беруни в развитии современной системы образования и воспитания, в воспитании подрастающего поколения, в том числе школьников, в духе патриотизма в системе образования нашей страны сегодня, уровень государственной политики в экономической, социальной и духовно-образовательной сферах.

Ключевые слова: Молодое поколение, ученик, школа, учащаяся молодежь, наука, образование, воспитание, разум, созерцание, патриотизм, духовность, просвещение, наследие, творчество.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин тарихан қисқа вақт ичида жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5712 сонли фармони” [1] ҳамда, “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги 11Ф-5847-сон [2], Фармонларига мувофиқ, халқ таълими тизими шунингдек, Олий таълим тизимида таълим-тарбия сифатини ошириш, соҳадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, халқ таълими ва Олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини янада ошириш ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, бўлажак миллий кадрларни тайёрлашда уларнинг фаоллигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Шунга кўра, ўқувчи ёшларнинг онги ва тафаккурини



шакиллантиришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Абу Райхон Беруний илмий-ижодий меросининг бугунги таълим-тарбия тизими ривожланишидаги сиёсий, тарихий ўрни ва аҳамиятини ўрганиш зарурий эҳтиёждир. Бу эҳтиёжлар ҳуқуқий демократик жамият қуришни ўзида ифода этувчи бозор муносабатларига асосланган бугунги жамиятимиз, бугунги ҳаёт тарзимиз билан ўзаро узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги глобаллашган даврда ўқувчи ёшларимиз онгини ва маънавий тафаккурини бойитиш, уларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакиллантириш юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда давлат сиёсати даражасига кўтарилган муаммодир. Бу борада биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчилликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”. [3]

Дунё ҳамжамияти шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ва давлатимиз томонидан маънавият ва маърифат соҳасида таълим-тарбия масалаларига жиддий эътибор қаратилиши ва аҳамият берилиши, мустақилликни мустаҳкамлаш ва асраб-авайлаш вазифалари, таълим-тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон бўлган ўқувчи ёшларга уларнинг ҳаётдаги асл мақсади, унинг моҳияти ва мазмунини англатиш борасида жиддий ишлашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу масала долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада 1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 311-сонли қорорининг қабул қилиниши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. [4] Бу чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор республикаимизнинг устувор ривожланиш йўналишларини белгилар экан, унинг устувор йўналиши-жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборатдир. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, “инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч”ни тасаввур қиламан” [5] -деб таъкидлаган эди ўз даврида мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов. Ҳар қандай ривожланган замонда жамият маънавиятсиз бўлмаслиги, ҳар бир юксак жамият тараққиёти маънавий тафаккур ва инсон онгининг юксаклигига, ватанига,



халқига фидокор, мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай муаммоли масалаларни онгли равишда, маъсулият билан ҳал қила оладиган, изланувчан ва янгиликларга интилувчан, садоқатли ва ватанпарвар ўқувчи ёшларга таълим-тарбия бериш орқали эканлиги бугунги кунда барчага маълум “Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди” дейди халқимиз. Энг қувонарлиси шундаки, бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам бу масалага катта аҳамият бериб келмоқда. Чунки мустақиллигимизнинг уч таянчи, яъни мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бирига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро бир-бири билан уйғун ривожланиши таъминланган бўлиши лозим. Юртимизда азал-азалдан ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш алломаларимизнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Жумладан: улуғ мутафаккир қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий-иждодий меросини ўрганганимизда бунинг ёрқин исботини кўришимиз мумкин. Беруний бобомиз жаҳон фанининг тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган зўр истеъдод эгаси ва заҳматкаш тадқиқотчи эди. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон цивилизациясида юксак аҳамиятга эга бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан илм-маърифат соҳасида дастуриламал вазифасини ўтаб келмоқда. Абу Райҳон Беруний бутун умрини илм-фанга бағишлади, ўзи ҳаётлик пайтидаёқ ўша даврнинг энг машҳур олими ва мутафаккири сифатида танилди. Ўша давр замондошларидан бири тарихшунос олим Ёкут: “Беруний илм-фан ривожига ғоят катта ҳисса қўшди. “Ақл ва маърифатда ҳали унга ўхшаш бирор кишини даврон ярата олгани йўқ”, - деб ёзган эди. Бугунги кунда ўқувчиларга таълим-тарбия беришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Беруний бобомизнинг ўз даврларида айтиб ўтиб кетган ўғитларининг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Жумладан, илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам муҳим ва долзарбдир. Ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктирмаслик;
- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;
- янги мавзуларни қизиқарли, асосан, ҳаёт билан боғлаган ҳолда

кўргазмали баён этиш ва ҳоказога эътибор бериш кераклигини уқтиради. Билим олишда тушуниб ўрганиш, покликка риоя этишга алоҳида эътибор беради, жамиятнинг равнақи маърифатнинг ривожига боғлиқ деган ғояни илгари суради. Беруний таълим бериш киши руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлишига эътибор беради ва шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг



хаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. “Ҳар бир янги нарса роҳат бағишлайди” - деб беҳуда айтилмаган” дейди.Беруний инсонлар ҳаётидаги ёмонликни қоралайди.Ундан нафратланади. Унинг фикрича, бу иллатни йўқотишнинг асосий йўли унинг илдизларини топиш ва кесиб ташлашдир. Ёмонликнинг шахобчалари кўп, аммо унинг асоси уч нарса: таъма, ғазаб ва илмсизликдир. Агарда бу асослар қирқиб ташланса, шахобчалар қуриydi. Бу асосларнинг негизи эса иштаҳа ва ғазабдир. Иштаҳа инсонга энг кучли ва энг ҳалокатли душман бўлиб, инсонни овқатларни тановул қилиш лаззати ва ўч олиш завқи билан алдайди. Олимнинг тушунтиришича, бу иллатлар, ранж ва гуноҳга олиб келади. Уларнинг таъсирига берилиб кетган киши инсонлик қиёфасини йўқотади. Беруний бундай кишиларни йиртқич ва тўрт оёқли ҳайвон, ҳаттоки шайтон ва иблис деб ҳисоблайди. Беруний ростгўйлик, тўғрисўзликни улуғлайди, ёлғончиликни одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қоралайди. Улуғ мутафаккирнинг уқтиришича, бирор киши келтирган хабарни ҳар бир инсон ўз кўзи билан кўриш, билиш ва у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлган маъқул дейди. Беруний ростгўйликни адолат билан баробар қўяди. Унинг фикрича, халқ адолатни севгани каби ростгўйликни ҳам севади. Аммо унинг моҳиятини, ёқимлилигини билишни истамайдиган киши уни севмайди. Беруний инсонларни барча мавжудотлардан устунлигини таъкидлаб, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришдир, деган ғояни олға суради. Абу Райхон Беруний ўзининг “Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб ас-сайдона”, “Ал-қонуни ал-Масъудий”, “Геодезия” ва бошқа асарларида инсон камолотида ватанпарварликни тарғиб қилувчи ахлоқий тарбиянинг муҳим ўрнини таъкидлайди.Унинг фикрича ватанпарварлик ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У одамларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит – жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади ёки у яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади. Яхшилик ва ёмонлик инсоннинг хулқ-атворини белгилайдиган мезон ҳисобланади. Яхши хислатларга тўғрилиқ, одиллик, ўзини вазмин тутиш, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, ширинсуханлик, раҳбарликда адолатлилик, тадбиркорлик кабиларни киритади.Ёмон иллатларга эса душманлик, ҳасадгўйлик, бахиллик, носоғлом рақобат, ўз манфаатини кўзлаш, мансабпарастлик, шухратпарастлик ва ҳоказоларни киритади. Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб “Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар” асарида шундай дейди: “Фахрланиш – ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борица мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади” дейди.Ҳар бир ахлоқан гўзал ва баркамол инсон ўзининг турмуш



тарзини ҳам уйғун, ҳам гўзал эта олади. Уйғунлик гўзаллик ва нафосатнинг асоси саналади. Беруний инсоний хислатлардан муҳими – озодалиқ, тарбиялилик бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди. Шунинг учун инсон ўз табиатига ёқадиган ишларни бажариши зарур, деб кўрсатади. Бунда инсоннинг ички дунёси билан ташқи гўзаллиги, турмуш тарзидаги гўзаллиқнинг уйғун бўлишини талаб этган. Бунга инсон киядиган кийимдан тортиб, кундалиқ турмушдаги юриш-туриши, сўзи, қалби, қилган иши – ҳаммасининг гўзал бўлиши таъкидланган. Ҳар бир шахсда шарм-ҳаё, нафис, дид, ифбат, латофат, ширинсуханликнинг таркиб топиши турмушнинг янада гўзал бўлишга олиб келади. Мутафаккир олимнинг инсон турмушига хос хулқ-одоб қоидалари ҳақидаги фикрлари ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда педагогик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Абу Райхон Беруний бобомиз бугунги ёш авлод учун жуда катта илмий – ижодий мерос қолдирди. Берунийнинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум. XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин, француз, итальян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима этила бошланди. Беруний асарларига бағишланган европалик олимлар Ж. Рено, Э. Захау, Г. Зутер, Э. Видеман, К. Наллино, Ж. Сартон, Р. Райт, М. Мейерхоф, Осиёлик олимлардан С. Х. Наср, М. Козим, С. Бараний, М. Низамуддин, Ш. Ялтқай кабиларнинг китоблари, таржималари нашр этилди. Бу тадқиқотчилар Беруний ижодига жуда юқори баҳо бердилар. Америкалик тарихчи олим Ж. Сартон Берунийнинг меросига энг олий баҳо бериш билан бирга, унинг ўз даврининг жаҳондаги биринчи донишманди деб баҳолайди. Атоқли шарқшунос В. Р. Розен эса, унга илмий қарашлари таажжуб қоларли даражада кенглиги, унинг ҳозирги маънодаги ҳақиқий фаннинг руҳига эга эканлигини қайд этади. Ҳинд олимлари ҳам Берунийнинг Ҳиндистон фалсафаси, , илми, урф-одатлари тарихини ўрганишга қўшган улкан ҳиссасига ниҳоятда юқори баҳо берадилар. Беруний мероси рус олимларини ҳам ҳар томонлама қизиқтириб келди. И. Ю. Крачковский, С. П. Толстой, А. А. Райнов, А. М. Беленицкий, А. А. Семёнов, Б. А. Розенфедцларнинг унга бағишланган асарлари эълон қилинди. Машҳур шарқшунос олим И. Ю. Крачковский Беруний меросига юқори баҳо бериб, “унинг қизиққан илм соҳаларидан кўра қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осондир” деб, алломанинг қомусий ақлини яна бир бор таъкидлаб ўтади. Берунийнинг ўз ватани мустақил Ўзбекистонимизда ҳам унинг ижодига катта эътибор бериб келинмоқда. Тарихчи олимларимиздан Ҳ. М. Абдуллаев, И. М. Мўминов, В. Ю. Зоҳидов, Я. Ғ. Ғуломов, У. Каримов, С. А. Булгаков каби атоқли олимларимиз Беруний фаолияти ҳақида қатор рисола, асарлар яратдилар. Тошкентда унга бағишланган қатор Халқаро илмий конференциялар ўтказилди. Биринчи бор Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”,



“Хиндистон”, “Масъуд қонуни”, “Геодезия”, “Сайдона” каби асосий асарларини ўз ичига оловчи кўп томли сайланма асарлари ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан нашр этилди. Бугунги кунда кўчалар, институтларга унинг номи берилган. Фан соҳасида Беруний номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир ёш авлод унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб авайлашда улуғ мутафаккирларимизнинг, жумладан Абу Райхон Беруний илмий-иждодий меросини ўқиб ўрганишлари муҳим ва шарт. Ҳар бир ўқувчи ёшнинг онги ва тафаккурига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш уларнинг ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарсалар уларнинг собит қадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига қолаверса сиёсий онги ва маънавий тафаккурини етуклигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учунчи ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим”.[6]. Буларнинг барчаси давлатимиз равнақ топишининг ва халқимиз фаровонлигининг асосий шартлари ҳисобланади. Бу эса бевосита ўқувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўтмиш алломаларимизнинг, жумладан Абу Райхон Беруний илмий-иждодий меросидан амалда тўғри фойдаланишимизга боғлиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-11-Ф-5847сон фармони.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Маънавият,2008. 4-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июльдаги “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш



ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
№311-сонли қорори

5. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистон; - Тошкент;
1998 йил 62 бет.

6. Мирзиёев Ш.М. “Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва
Ўзбекистон халқига мурожаатномаси” –Т: 2020 й.29 декабрь